

Канадада дунёдаги энг янги исломий боғ очилади



14:20 / 11.12.2018 1946

2019 йилда Канаданинг Альбертлар университетининг ботаника боғида Оға Хон номидаги мусулмонлар боғининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу шимолда жойлашган дунёдаги энг янги исломий боғ бўлади, деб хабар беради The Globe And Mail.

Ушбу боғ Оға Хон маданият фонди ҳисобидан барпо этилган бўлиб унга 25 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф этилган. Islamosferанинг маълум қилишича, боғни барпо этиш ғояси 2009 йилда пайдо бўлган. Ўшанда боғни Канадалик энг кўп мусулмонлар жамоаси мавжуд бўлган, 125 йилдан буён яшаб келаётган Эдмонтон шаҳрида қуриш режага киритилган эди. Дарвоқе, 1938 йилда мамлакатдаги энг биринчи масжид шу шаҳарда қурилган. Биринчи мусулмон боғи эса 2015 йилда Торонтода ташкил этилган. Янги боғнинг дизайни XVI асрдаги форсларда бўлган боғларнинг намуналари, Ҳиндистондаги Тож Маҳал, Хумоюн қабри, Қизил форт саройи ҳамда Мисрдаги Ал-Азҳар боғининг архитектураси элементларини ўзида мужассам қилган. Лойиҳалаш учун 8 йил, боғни барпо этишга эса 18 ой вақт сарф бўлган. 12 аркдан иборат мазкур боғ маданий истироҳат ҳудуди бўлиб, у одамларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган.





Islom.uz портали таҳририяти